

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

ГУМАНИТАР ФАНЛАР КАФЕДРАСИ

ХУҚУҚШУНОСЛИК

Фанидан

Р Е Ф Е Р А Т

“Давлат тушунчасининг назарий асослари”

Мавзусига

**Бажарди: Аграномия факултети ҚХМС 1-боқич 1-гурух талабаси
Хошимова Нигора**

Қабул қилди: Т. Юлдашева.

АНДИЖОН-2014 йил

МАВЗУ: “Давлат тушунчасининг назарий асослари”

Режа:

1. Давлат ва ҳуқуқ фани тушунчаси. Фаннинг предмети ва вазифалари.
2. Давлат моҳиятига боғлиқ назариялар.
3. Давлат тушунчаси. Асосий ва қўшимча белгилари.
4. Давлатнинг функциялари.
5. Давлат шакли тушунчаси. Бошқарув шакллари.
6. Жамият тушунчаси, фуқаролик жамияти ҳақида.

1. Давлат ва ҳуқуқ фани тушунчаси. Фаннинг предмети ва вазифалари.

«*Давлат ва ҳуқуқ назарияси*» фани жамиятда мавжуд ижтимоий ҳодисаларни, уларни ривожланиши қонунларини тадқиқ этишни, ўрганишни амалага ошириувчи фандир.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг предмети - давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши, ривожланиши ва ҳаракатда бўлишининг энг умумий қонуниятларини ўрганади. Фанни вазифаси давлат ва ҳуқуқнинг моҳияти, функциялари, шунингдек, сиёсий ва ҳуқуқий онг намоён бўлиши ва ҳуқуқий тартибга солиш хусусиятлари ўрганишдан иборат.

Давлат – бу бутун жамиятни бирлаштириб турувчи, унинг бир меъёрга ишлашини таъминлайдиган, жамият номидан иш кўрадиган махсус бошқарув, мажбурлов аппаратига эга бўлган ташкилотдир.

Давлат — суверенитетга, бошқарувнинг ҳамда фуқаролар Ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг махсус аппаратига эга бўлган, шунингдек, Ҳуқуқ нормалари (қоидаларини) яратишга қодир бўлган оммавий ҳокимиятнинг сиёсий-ҳудудий ташкилоти.

Давлат – бутун мамлакат миқёсидаги ҳокимиятнинг махсус бошқарув ва мажбурлов аппаратига эга бўлган, барча учун мажбурий қонунлар чиқарадиган ва суверенитетга эга бўлган ягона сиёсий ташкилот.

Давлат – жамият сиёсий тизимининг одамлар, гуруҳ, синф ва ташкилотларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ваъзаро муносабатини ташкил этувчи, йуналтирувчи ва назорат қилувчи асосий институт.

Давлат – ҳокимиятнинг бош институти. Ҳокимият давлат орқали ўз сиёсатини амалга оширади.

2. Давлат моҳиятига боғлиқ назариялар.

Давлатни пайдо бўлишида қўйидаги назариялар бор.

1. Теологик (диний) назария-маскур назария вакиллари давлат худо томонидан яратилган, бутун ҳокимят худоники деган қонидани илгари сурадилар. Давлатни бошқараётган шахс худонинг ердаги вакили деб ҳисобланган. *Масалан: Хитой*

2. Патриархал назария – маскур назария вакиллари давлат – оиланинг тараққий этиши натижасида пайдо бўлган деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, аввал оилада пайдо бўлган, оила ўсиб уруғга, уруғ қабилага, қабила эса - давлатга айланган. Манарх ҳокимяти эса гўё оиланинг барча аъзоларига раҳбарлик қиладиган отадан мерос бўлиб ўтган деб ҳисоблайдилар. Ушбу назария Юнонистонда (қадимги Грецияда) пайдо бўлган ва Аристотель асарларида асослаб берган, 17-асрда инглиз олими Филмернинг “Патриарх” асарида ривожлантирилган. Муаллиф инжилга асосланиб, одам атонинг ҳокимяти худодан олиб ўзининг катта ўғли Патриархга, у эса ўзининг авлодлари бўлган қиролларга берганлигини исботлашга ҳаракат қилган *Масалан: Саудия Арабистони, БАА.*

3. Шартнома назарияси- Маскур назария 17-18 асрларда вужудга келган бўлиб, ушбу назария вакиллар таъкидлашича, ҳокимят-халқ томонидан, халқнинг монарх билан келишуви натижасида ўрнатилади дейилган. Галландияда ушбу назарияни Гуго Гроций ва Спиноза, Англияда- Локк ва Гоббс Францияда-Жан Жак Руссо, Россияда- А. Н. Радищев ривожлантирган. Ж. Руссо ушбу назария бўйича “Ижтимоий шартнома” китобини яратган, унда “Агар монарх ҳокимиятини суистеъмол қилса халқ қўзғалон кўтаришига ва монархни тахтдан ағдаришга ҳақли бўлган” дейди.

4. Зўрлик назарияси- маскур назария вакиллари Гумплович ва Каутскийларни фикрига кўра давлатнинг келиб чиқишида зўрлик ҳаракати, бир халқнинг бошқа халқни босиб олиши ётади. Давлат ғолибнинг ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун тузилади.

5. Психологик назария- бу назария тарафдори социолог Габриэль Таррدير. Бу назария давлатни келиб чиқишини кишиларнинг ҳукмронликга ва бўйсинишга эҳтиёжи билан изоҳлайди. Рус олими Коркунов, профессор Потражеский ҳам давлат инсоннинг бўйсинишига интилиши орқасида пайдо бўлади, деб ҳисоблайдилар. Психологик назария, халқ- алоҳида хусусиятларга эга бўлган кишиларга бўйсинишни истовчи пассив омма деб атайди.

6. Иригация назариясига – давлатларни келиб чиқиши уларнинг илк шакллари шарқда улкан ирригация иншоотларини қуриш ва улардан

фойдаланиш билан боғлиқ. Ушбу назария немис олими Виттфогелнинг “Шарқ истебдоди” асарида ифодаланиб берилган.

7. Синфий назария – Буназарияни вакиллари К.Маркс, Ф.Энгелс ва В.Ленинлар ҳисобланади. Уларнинг фикрича, давлат иқтисодий сабаблар, ижтимоий меҳнат тақсимоти, қўшимча маҳсулот ва хусусий мулкни вужудга келиши, жамиятнинг қарама-қарша иқтисодий манфаатларига эга синфларга ажратилиши туфайли вужудга келган дейилади.

Дунёда давлатнинг пайдо бўлиши масаласига формацион ва цивилизацион ёндашув мавжуд бўлиб, бу назарияларнинг ҳар бирида ҳақиқат бор.

3. Давлат тушунчаси. Асосий ва қўшимча белгилари.

Давлатнинг белгилари асосий ва қўшимча турларга бўлинади:

I. Асосий белгилари:

1. Аҳолининг муайян бир ҳудудга уюшганлиги.
2. Оммавий ҳокимиятнинг мавжудлиги.
3. Ҳудуднинг мавжудлиги.
4. Солиқнинг мавжудлиги.
5. Давлат суверенитети.

II. Қўшимча белгилари

1. Суверенитетнинг мавжудлиги.
2. Давлат рамзларига эгалиги.
3. Миллий валюта.
4. Пойтахт.
5. Конституциянинг мавжудлиги.

Ҳар бир тарихий даврда, турлича ижтимоий-иқтисодий шароитларда давлатнинг бу белгилари ҳам ички мазмуни, ҳам ташқи кўриниши билан фарқ қилади.

Ҳозирги даврда давлатларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1.Тоталитар давлат - бунда “давлат – ҳамма нарса, инсон эса-ҳеч нарса” деган ғоя ҳукмронлик қилади. Барча ҳокимият ҳукмрон элита қўлида бўлиб, бошқалар давлатни бошқаришдан четлатилади.

2.Авторитар давлат - бунда ҳақиқий давлат элита қўлида бўлади, шахснинг манфаатлари давлат манфаатларига қурбон қилинади. Сиёсий соҳада ижозат этилганидан ташқари, барча нарса тақиқланади.

3.Либерал давлат - бунда жамият ҳаётининг барча соҳаларида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари расман тенглигига амал қилинади,

фуқароларнинг давлат ишларида расман қатнашувларига йўл қўйилади. Тақиқланмаган нарсадан бошқаси ижозат этилиши мумкинлиги принципига амал қилингандай бўлади, бироқ давлат тузими ва ижтимоий тузумни ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

4.Демократик давлат - бунда фуқароларнинг давлат ва жамоат ишларини бошқаришда қатнашиши ҳуқуқларини таъминлайди, шундай иштирокка ёрдам беради. Шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг доираси кенг бўлиб, уларни амалга ошириш ҳам таъминланади. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қонунда бевосита тақиқланмаган ҳаракатларни амалга оширишга йўл қўйилади.

4. Давлатнинг функциялари.

Ҳар қандай давлатнинг моҳияти унинг функцияларида намоён бўлади. **Функциялар** жамиятни бошқариш -сиёсий фаолият ва ижтимоий жараёнларнинг ривожланишига таъсир кўрсатиш механизмидир.

Давлатнинг функцияси деб давлатнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган давлат фаолиятининг асосий, бош йўналишларига айтилади.

1.Ижтимоий ҳаётнинг қайси соҳасида қўлланилиши бўйича:

- ❖ **ички-** мамлакатнинг ички ҳаётини бошқаришга қаратилган(регулятив-бошқариш, қўриқлаш) фаолиятининг асосий йўналишларидир,
- ❖ **ташқи** - давлатнинг халқаро майдондаги фаолиятининг асосий йўналишларидир.

2.Функцияларнинг қўлланилиши муддатга кўра: **доимий ва вақтинча функциялар.**

3.Ижтимоий аҳамиятига кўра: **асосий ва қўшимча функциялар.**

4.Амалга ошишнинг ҳуқуқий шаклларига кўра : **Ҳуқуқ ижодкорлиги шакли, ҳуқуқни қўллаш, муҳофаза қилиш, ижро ва суд.**

Ҳозирги замон давлатларинингқуйидаги **ички функциялари** мавжуд:

а)**иқтисодий функцияси:** мамлакатни бюджетини шакллантириш ва бажарилиши устидан назорат ўрнатиш,мамлакат иқтисодиёти ривожланишининг умумий дастурларини белгилаш,иқтисодни муҳим соҳаларини ривожланишига рағбарлантириш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш кабилар;

б)**ижтимоий функцияси:** аҳолини ижтимоий муҳофазага муҳтож қисмига ёрдам бериш, соғлиқни сақлаш, таълим, уй-жой, йул қурилиши, алоқава бошқа ижтимоий соҳаларни таъминлаш;

в)**молиявий назорат функцияси:** ишлаб чиқарувчиларни даромадларини аниқлаш ваҳисобга олиш, уларни бир қисмини ижтимоий ва умумдавлат эҳтиёжларини қондириш учун давлат бюджетига юбориш, давлат бюджетини ижросини назорат қилиш;

г)**ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш функцияси:** ижтимоий муносабатларни барча қатнашчиларини қонун кўрсатмаларини тўла ва аниқ бажаришларини таъминлаш;

д)**экологик функцияси:**табiiй муҳит, табиатни муҳофаза қилиш, экологик бошқарув ва экологик таълим-тарбияни шакллантириш.

Ҳозирги замоннинг **ташқи функциялари**

қуйидагилардан иборат:

а)бошқа давлатлар билан ўзаро иқтисодий, сиёсий, маданий, илмий техник, экологик, ҳарбий ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик,

б)мудофаа ва хафсизлик.

5. Давлат шакли тушунчаси. Бошқарув шакллари.

Давлат бошқаруви шакли – унинг тузилиши ва бошқарув усулидир.

Давлат шакли уч элементдан сиёсий ҳокимият ташкилотидир:

- **бошқарув шакли**, олий давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларини, аҳоли билан ўзаро муносабати, аҳолини ушбу идораларни шакллантиришдаги иштироки даражаси билан белгиланади;
- **давлат тузилиш шакли**, давлатнинг маъмурий - ҳудудий ташкил этилиши ва марказий, минтақавий, маҳаллий ҳокимиятларнинг ўзаро муносабатларни муайян тартиби;
- **сиёсий (давлат) идора усули**, яъни сиёсий (давлат) ҳокимиятни амалга ошириш усул ва йўлларининг мажмуи бўлиб, мамлакатдаги сиёсий вазият, жамиятдаги сиёсий эркинлик даражаси, шахснинг ҳуқуқий ҳолати, инсонни жамиятдаги мавқеини белгиловчи енг муҳим элементлардан иборат.

Давлат бошқаруви шаклига кўра монархия ва республика шаклида бўлади.

а) Монархия—юнончада “монос”—бир, “архе”—хокимият, “яккахокимлик”, “ягона хукмдор”каби маъноларни англатади. Бундай давлатда давлат бошлиғи монарх ҳисобланади. Монархия диний илдишларга асосланган давлат бошқаруви шакли бўлгани учун айрим давлатларда монарх олий диний раҳбар ёки черков бошлиғи ҳисобланади ва **теократик монархия** (лот. theo—худо, kratos—хокимият) деб юритилади.

Мутлоқ, абсолют монархияда монарх чекланмаган хокимиятга эга бўлиб, давлатни бошқаради, муҳим давлат ишларини ҳал этади. Унинг хокимияти юридик жиҳатдан чекланмаган бўлади. Уммон Султонлиги чекланмаган монархия шаклидаги давлат бошқарувини сақлаб қолган давлатдир. Уммонда конституция йўқ, уни вазифасини Қуръон бажаради, парламент йўқ, мамлакат олий судьяси ва бош диний раҳбари қирол ҳисобланади, бу давлат **мутлоқ-теократик монархияга** мисол бўлади.

Саудия Арабистони, Қатар, Бақрайн, Қувайт, Бруней каби давлатларда чекланмаган монархияга яқин давлат бошқаруви мавжуд. Мутлоқ монархияни асосий жиҳатларини сақлагани ҳолда бу давлатлар Конституция қабул қилган, баъзиларида парламент ҳам мавжуд бўлсада, қонунчиқарувчи, ижро хокимияти ва суд тармоқлари монарх қўлида. Олий диний хокимиятни ҳам монарх бошқаради.

Конституциявий ёки чекланган монархияда монарх хокимияти парламентнинг мавжудлиги билан чекланади.

Конституциявий ёки чекланган монархия:

- **дуалистик монархия,**
- **парламентар монархия** шаклида бўлади.

Дуалистик монархияда давлат хокимиятини монарх ва бутун аҳоли ёки унинг маълум қисми томонидан сайланадиган парламент бошқаради ва қонун чиқарувчи хокимиятни амалга оширади. Монарх эса ижроия хокимиятини амалга оширади. У тайинлаган ҳукумат фақат уни олдида жавобгардир. Монарх қонун чиқарувчи хокимиятга нисбатан мутлоқ **вето** (лот. *veto* — тақиқлайман, давлат олий органларининг қабул қилинган қарорлардан норозилиги билдириш ҳуқуқи)¹ ҳуқуқига эга бўлиб, парламентни тарқатиб юбориш, янги сайловлар тайинлаш, унгача ўзи давлатни мутлоқ бошқариш ҳуқуқига эга, дуалистик монархия шаклидаги бошқарувидаги давлатларга *Марокаш, Иордания* каби мамлакатларни мисол келтириш мумкин.

¹Фалсафа. Қомусий луғат. 73-бет. “Ўзбекистон фаласуфлари миллий жамияти нашриёти” Т., 2004

Парламентар монархияда давлатни бошқаришда парламент етакчи мавқега эга бўлади. У ижро ҳокимиятидан нисбатан устун, ҳукумат унга расман ва амалда бўйсунди. Ижро ҳокимияти парламент олдида жавобгардир. Парламент ишонсизлик билдирса истеъфога чиқишга мажбур.

Бундай давлатда монарх нисбатан тахтга ўтиради, аммо давлатни бошқармайди. Монарх қонун кучига эга ҳужжатларни мустақил чиқариш ҳуқуқига эга эмас, қонун кучидаги ҳужжатлар уни номидан чиқарилганда ҳукумат томонидан таёрланган, ҳукумат бошлиғи ёки тегишли вазир имзоси билан контрассигнация қилинган(тасдиқланган) бўлмаса юридик кучга эга бўлмайди. Бундай давлатларда монарх сиёсий партиялар рақобатидан устун туради ва сиёсий бетарафликни намоён қилади. Парламен ва ижро ҳокимияти ўртасидаги келишмовчиликлар чиққанда фақат ҳукумат истеъфога чиқмайди, парламентнинг қуйи палатаси ҳам тарқатилиб юборилиб, янги сайловлар эълон қилинади. *Буюк Британия, Белгия, Япония, Испания, Лихтенштейн, Люксембург, Монако, Нидерландия, Норвегия, Швеция, Таиланд, Непал* ва бошқа мамлакатларни мисол келтириш мумкин.

б)«Республика» сўзи юнончада «*умумий иш*» маъносини билдиради. Республика давлат бошқаруви, ҳокимият олий идоралари муайян муддатга сайланадиган шаклидир.

Республиканинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат:

1. ҳокимият олий идораларининг сайлаб қўйилиши;
2. ҳокимият ваколатларининг тақсимланиши;
3. ҳокимият олий органларининг ўз қарорларини сайланган муддати давомида қабул қилиши;
4. қонунларнинг бажарилишини назорат қилувчи орган бўлган судлар обрўсининг ортиши;
5. фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришда иштирок эта олиши.

Республикалар:

- *президентлик республикаси,*
- *парламентар республика*
- *аралаш турдаги республикаларга* бўлинади.

Президентлик республикасида давлатни *халқ сайлайдиган* ва жуда кенг ваколатларга эга бўлган **Президент бошқаради**. У давлатнинг ҳамда ҳукуматнинг бошлиғидир. Бундай республикада ҳукуматни Президент тузади. Президентлик Республикасининг мисоли сифатида *АҚШ ва Ўзбекистон Республикасини* келтириш мумкин.

Парламентар республикада давлат бошлиғи сайланувчи мансабдор шахс бўлиб, нисбатан торроқ ваколатларга эга. Бунда **Президентни парламент сайлайди**. У расман давлат бошлиғи ҳисобланиб, асосан вакиллик функцияларини бажаради. Унинг ҳукуматни тузиш ва мамлакатни бошқаришда тутганўрни номигагина аҳамиятга эга бўлади. Ҳукуматни бош вазир бошқаради ва у парламент олдида жавобгардир. Парламент ҳукуматни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга. Парламентар республикага *Австрия, Италия, Германия* мисол бўлади.

Республика шаклидаги бошқарувнинг яна бир кўриниши **аралаш бошқарувдир**. Бундай бошқарувда президентлик ва парламентар республикалар элементлари аралашиб кетган бўлади. Масалан, *Францияда президентни халқ сайлайди*. У жуда катта ваколатларга эга бўлади, аммо **ҳукуматни бошқармайди**.

Давлат тузилиши шакли унинг маъмурий-худудий ташкил этилишидир.

Давлат тузилиши бўйича барча давлатлар қуйидаги турларга бўлинади:

❖ **Оддий (унитар),**

❖ **Мураккаб (федератив ва конфедератив).**

Унитар давлат — бу оддий, яхлит давлат. Бундай давлат вилоят, область, округ, воеводство, район, туман деб турлича номланадиган маъмурий-худудий бирликларга бўлинади. Бундай давлатда битта парламент, битта ҳукумат, битта президент бўлади. Унитар давлат одатда бир миллатли бўлади, ёки аҳолисининг кўпчилигини бир миллат вакиллари ташкил этади.

Унитар давлат белгилари қуйидагилардан иборат:

1. бутун мамлакат миқёсида бир хил бўлган вакиллик, ижроия ва суд органлари бўлади;
2. битта конституция; ягона қонунчилик тизими;
3. ягона фуқаролик;
4. ягона пул бирлиги;
5. барча маъмурий-худудий бирликлар учун умумий бўлган солиқ ва кредит сиёсати;
6. унитар давлатлар таркибий қисмлари суверенитетга эга эмас (яъни том маънодаги давлатлар эмас);
7. ягона армия мавжудлиги.

Федератив давлат — мураккаб, иттифоқдош давлат. Одатда у бир қанча давлатларнинг бирлашувидан ҳосил бўлади. Бирлашганидан кейин бу давлатлар федерация аъзолари ёки субъектлари бўлиб қоладилар. Улар

турлича аталиши (штатлар, ўлкалар, республикалар) ва ўз маъмурий-ҳудудий бўлинмаларига эга бўлиши мумкин.

Федерацияда ҳокимият идораларининг икки тизими амал қилади:

- федерал даражада,
- федерация субъектлари даражасида.

Федерал даражада ҳам, федерация субъектлари даражасида ҳам президент, парламент, ҳукумат бўлиши мумкин.

Федератив давлат белгилари:

1. федерация ҳудуди унинг субъектлари ҳудудидан ташкил топади;
2. олий қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти федерал давлат органларига тегишли бўлади;
3. федерация субъектлари ва федерациянинг ўзи ўртасидаги ваколатлар иттифоқ конституцияси билан ажратилади;
4. федерация субъектлари ўз конституциясига, ўзларининг олий қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органларига эга;
5. федерациянинг олий қонун чиқарувчи (вакиллик) идораси икки палаталитузилишга эга (федерация аъзоларининг манфаатларини ифода этувчи қўшимча палата мавжуд).

Конфедерация – ўз суверенитети ва мустақиллигини сақлаб қолган ҳолда у ёки бу мақсадга эришиш учун бирлашган давлатлар иттифоқи. Конфедерацияда ягона ҳудуд, ягона фуқаролик бўлмайди. Ҳар бир давлат халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти бўлади.

Конфедерация белгилари қуйидагилардан иборат:

- мустақил давлатларнинг муайян мақсадларга эришиш учун бирлашган эканлиги;
- конфедерация — мустаҳкам бўлмаган тузилма;
- ягона ҳудуднинг йўқлиги (конфедерация унинг аъзолари бўлган давлатлар ҳудудидан ташкил топади);
- ягона фуқароликнинг бўлмаслиги;
- конфедерация субъектлари ундан эркин чиқиш ҳуқуқига эгадирлар;
- конфедерация субъектлари иттифоқ ҳокимияти қонун ҳужжатларини *нуллификация қилиши* (эътироф этмаслик ёки қўлламаслик) ҳуқуқига эгадирлар;
- конфедерация ваколатига унча кўп бўлмаган (уруш ва тинчлик, халқаросиёсат ва ҳ. к.) масалаларни ҳал этиш киради;
- конфедерация бюджети унинг аъзоларининг ихтиёрий бадалларидан ташкил топади.

Конфедерация тузилишидаги давлатларнинг одатда умри қисқа бўлади. Улар кўп соҳалар бўйича бирлашиб федерацияга айланиб кетади ёки парчаланиб унитар давлат ҳолатига қайтади. Ҳозирда конфедератив давлатга мисол қилибўзида бир неча давлатларни бирлаштирган *Европа Иттифоқини* келтириш мумкин.

Сиёсий режим давлат ҳокимиятини амалга ошириш усул ва йўлларининг мажмуи бўлиб, мамлакатдаги сиёсий вазиятни, яъни жамиятдаги сиёсий эркинлик даражасини ва шахснинг ҳуқуқий ҳолатини билдиради. Давлатларни сиёсий режими-давлат ҳокимиятини амалга оширилиши **демократик ва аксилдемократик усулларда амалга оширилади.**

Демократия (юнонча «халқ ҳокимияти»)² — инсон сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқларининг кенглигини, фуқароларнинг давлат ҳокимияти идораларини тузишда ва уларнинг фаолиятида фаол иштирок этишини, халқ иродасини демократик ҳокимиятнинг ягона манбаи деб билишни англатади. Халқ ҳокимиятчилиги икки шаклга эга: **вакиллик демократияси ва бевосита демократия.**

Вакиллик демократияси халқнингўз ҳокимиятини вакиллик идоралари, яъни демократик ҳокимиятнинг ва маҳаллийўзиниўзи бошқариш идораларининг сайлаб қўйиладиган органлари орқали амалга оширилишини билдиради. **Бевосита демократия** халқнинг демократик ҳокимият масалаларини ҳал этишда умумхалқ овоз бериши, алоҳида аҳамиятга эга бўлган масалалар юзасидан умумхалқ фикрини сўраш (лот. referendum-эълон қилиниши лозим бўлган хабар) йўли билан тўғридан-тўғри иштирок этишидир³.

Демократик режим белгилари:

- шахснинг иқтисодий соҳада эркинлиги;
- инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларининг эълон қилиниши ва кафолатланиши;
- барча шакллардаги ва том маънодаги демократия;
- ҳокимият ваколатларининг бўлиниши;
- ижтимоий ҳаётда фикрлар хилма-хиллиги (*плюрализм -лотинчадан кўп ҳиллик, кўпсонлик*)⁴, ижтимоий бирлашмаларнинг кўплиги;
- қонун устунлиги.

Агар давлатда демократик режим ҳукмрон бўлса, демак бу давлатда фуқаролар умум эътироф этилган ҳуқуқ ва эркинликлардан тўла

²Фалсафа. Қомусий луғат. 106-бет. "Ўзбекистон фаласуфлари миллий жамияти нашриёти" Т., 200

³Ўша ерда, 348-бет.

⁴Ўша ерда, 329-330 бетлар.

фойдаланадилар, давлат эса уларни нафақат тан олади, балки ҳар томонлама кафолатлайди ва химоя қилади.

Бундай давлатда мафкуравий ва сиёсий хилма-хиллик конституция билан мустаҳкамлаб қўйилади, сиёсий партияларнинг фаолиятига руҳсат этилади. Сиёсий партиялар олий ва маҳаллий ҳокимият идораларига депутатларни сайлашда иштирок этиш орқали иложи борица кўпроқ аъзоларини ҳокимият идораларига киритишга ҳаракат қиладилар. қоида тариқасида, демократик сайловда ғалаба қилган сиёсий партиялар ҳукуматни тузиш ва шу тариқаўз сиёсатиниўтказиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Антидемократик режимга хос хусусият шундаки, бундай режимда давлат идоралари ҳокимиятни амалга ошириш чоғида демократик принциплар ва қоидаларга риоя этмайдилар, уларни доимо ёки тез-тез бузадилар. Бундай сиёсий режимда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилади, кўпол равишда бузилади, муҳолифат бартараф этилади (баъзан жуда шафқатсизлик билан), баъзида эса парламент сингари демократик институтлар йўқ қилинади.

Аксилдемократик режим белгилари

қуйидагилардан иборат:

- давлатнинг ҳуқуқдан устунлиги;
- давлатнинг жамият ҳаёти барча соҳаларини назорат қилиши;
- давлатнинг шахс манфаатларига бефарқлиги;
- жамоат ташкилотларининг давлатлаштирилиши;
- ижтимоий ҳаётнинг бутунлай ҳарбийлаштирилиши;
- кам сонли миллатлар манфаатларига эътибор берилмаслиги.

Аксилдемократик режимлар ичида **фашистик ва тоталитар** режимларни кўрсатиш мумкин.

Фашистик режимда ҳар қандай муҳолифат йўқ қилинади, бирон ирқнинг ҳукмронлиги эълон қилинади, бошқа ҳудудларни босиб олиш учун йўл очилади. 1933—1945 йиллардаги фашистлар Германияси ваўша даврдаги фашистлар Италияси фашистик режимли давлатларга мисол бўла олади.

Тоталитар режим бир партиянинг ҳукмронлиги, ҳуқуқ ва эркинликларнинг поймол этилиши, кўпинча эса уларнинг ёппасига бузилиши,ўзгача фикрлашга қарши кураш, сайловчиларнинг сайловда муқобил депутатларни сайлаш имкониятининг бўлмаслигига асосланган бошқаруви деб таърифланади. Тоталитар давлат мисоли сифатида собиқ *Совет Иттифоқини* келтириш мумкин.

Сиёсий режим давлат шаклининг инсоннинг жамиятдаги мавқеини белгиловчи энг муҳим элементидир.

6. Жамият тушунчаси, фуқаролик жамияти ҳақида.

Жамият-муайян эҳтиёж ва манфаатларга кўра бирлашган кишиларнинг жамоасидир. Жамият хилма-хил гуруҳлар, синфи, ташкилотлар, муассасалар, давлат ва нодавлат ташкилотлари, сиёсий партиялар, уюшмалар, жамоат бирлашмалари каби элементлари, яъни таркибий тузилишдан иборат.

Фуқаролик жамияти – реал ижтимоий-иқтисодий базис бўлиб, унинг негизида ҳуқуқий давлатнинг муҳим таркибий қисмлари вужудга келади, мустаҳкамланади, ўзининг яшаш қобилиятини намоён қилади ва мукаммаллашади. Шунингдек у, уларга зарур шарт-шароитлар ва замин яратиб берувчи ўзига хос «яшаш муҳити» бўлиб хизмат қилади.

Ҳуқуқий давлат барпо этишдаги ютуқлар, мазкур жараённинг кўлами ва суръати, ундаги ижобий ва салбий натижалари фуқаролик жамиятининг асосидир. Бу жараёнлар ҳуқуқий давлатнинг барпо этилиши ва ривожланиши жамиятнинг мустаҳкамланиши ва такомиллашишига ёрдам беради. Ҳуқуқий давлатга айланишжараёни қанчалик кенг ва тўла амалга ошса, фуқаролик жамиятини ушлаб турувчи ва унга хизмат қилувчи ҳуқуқий таянч ва қурилмалар ишончли ва салмоқли бўлади.

Бошқача қилиб айтганда, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти орасида ўзаро шартланганлик ва алоқадорлик кўринишида ўзаро боғлиқлик мавжуд бўлиб, уларнинг бири иккинчисисиз яшай олмайди, уларнинг амал қилиш натижалари ўзаро узвий боғлиқ ва бевосита таъсир этади.

ХУЛОСА

Ҳуқуқ — инсоният тараққиётининг буюк неъматидир, ҳуқуқий тартибга солиш, бошқариш ва таъсир этиш борасида тўпланган ижтимоий тажрибанинг асосий моҳияти, умуминсоний қадриятлар ва адолат, демократия ва тартиб-интизом каби юксак зояларни ўзида мужассамлаштиради. Ҳуқуқнинг жамият ҳаётидаги улкан аҳамияти ва вазифасини тушуниб етган давлатни ҳуқуқий давлатлар қаторига қўйиш мумкин.

Ҳуқуқий қадриятларнинг устунлиги, уларнинг ҳам аҳоли, ҳам давлат хизматчилари орасидаги нуфузига эътибор берадиган, ўз фаолияти давомида ҳуқуқ билан боғлиқ бўлган ҳамда қонун талаблари доирасида амал қилган ҳолда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишига йўл қўймайдиган давлатни чинакам ҳуқуқий давлат дейиш мумкин.

Ўзбекистон давлати демократия ва эркинликларни, барқарорлик, тинч-тотувликни, республика халқлари ҳамжиҳатлиги ва ҳамкорлигани қарор топтиришда, ислоҳотлар ва уларни амалга оширишдаги ташаббускорликда, маданияти юксак ривож топган жамиятга ўтишда етакчи роль ўйнамоқда.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқнинг ҳукмронлиги, қонуннинг устунлиги, барчанинг қонун ва мустақил суд олдида тенглиги таъминланадиган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатланадиган, ҳокимият ваколатларнинг бўлиниши принципи асосида ташкил этилган демократик-ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги олиб борилаётган ислоҳотлар кўзланган натижасига эришиш йўли аҳолининг ҳуқуқий билим ва маданиятининг юксалтириш эканлигини англаган ҳолда ушбу ўқув-услубий кўрсатма яратилди.

Фойдаланилаган адабиётлар:

1. Х.Бобоев., Ҳ.Одилқориевлар таҳрири остида. Давлат ва ҳуқуқ назарияси.. -Т., 2000.
2. Одилқориев Х.Т. Конституция ва фуқаролик жамияти. –Т.: Шарқ, 2002.
3. Одилқориев Ҳ.Т. Қонун, виждон эркинлиги ва дин. – Т., 1998.
4. Таджиханов У., Одилқориев Х., Саидов А. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. –Т., 2001.
5. Саидов А., Таджиханов У., Одилқориев Ҳ. Давлат ва ҳуқуқ асослари. -Т., 2002.
6. СаидовА.,ТаджихановУ. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. 2-жилд.–Т., 2001.
7. Исламов З.М. Давлат ва ҳуқуқнинг умумназарий муаммолари. 1-қ. Т., 2001.
8. Саидов А.Х., Таджиханов У.Т. Ҳуқуқий маданият назарияси. 2 том. -Т., 1998.
9. Исламов З.М. Общество. Государство. Право. -Т. 1999. 2 том.
- 10.Алимов Х.Р. Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик. Т., “Адолат”, 1995
- 11.Э. Хайитбоев., Ж. Ёқубов. Ҳуқуқшунослик. Дарслик. Т. 2006.
- 12.Фалсафа. Қомусий луғат.”Ўзбекистон фаласуфлари миллий жамияти нашриёти” Т., 2004 йил.
- 13.Ўзбекистон юридик энциклопедияси. . Т., “Адолат”, 2011.

Ҳуқуқшунослик фанини ўрганиш, ўз билимларингизни ошириш, янги қабул қилинган қонунлардан хабардор бўлиш мақсадида қуйидаги Интернет сайтлари ёрдамида маълумотлар олишларингиз мумкин:

[1.http://www.norma.uz](http://www.norma.uz)

[2.http://www.gov.uz](http://www.gov.uz)

[3.http://www.lex.uz](http://www.lex.uz)

[4.http://www.yuristlib.ru](http://www.yuristlib.ru)

[5.http://www.pravo.vsem.uz](http://www.pravo.vsem.uz)

[6.http://www.kodeks.uz](http://www.kodeks.uz)

[7.http://www.lawlib.uz](http://www.lawlib.uz)

[8.http://www.zakon.uz](http://www.zakon.uz)